

Самарқанд дон маъ-
лари корхонаси дирек-
тор Самарқанд шаҳар
депутати.

Суҳбатдошим — ҳалқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудирини Пиримқул Дўстаматов депутатлар фаолияти билан қизиқайтганлигини сизга, бундай дейди:

— Истасангиз, ажойиб бир инсон билан таништирдим. У — ҳам шаҳар, ҳам вилоят кенгаши депутатини. Янгир йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи. Олти номзодни танг қолдирди, дастлабки даврадаёқ 85 фоиз овоз олган.

Мен дарров суриштира бошловдим, суҳбатдошим давом этди:

— Бироқ Набижон Собировнинг тақдирини анча мураккаб. Уч йил муқаддам шаҳар партия комитетининг иккинчи котибидан «қурилган». Бу ҳақда муфассал маълумот олмаганимиз бўлганда, вилоят ҳамда шаҳар рўзномаларининг сайловлар давридаги сонлари билан танишиб чиқишимизни масала деб берамиз.

Кимсасиз кутубхонада рўзномалар тақлими билан варақлаб ўтирдикман, Янгир шаҳар партия VIII конференцияси ҳақида «Сирдарё ҳақиқати»да берилган ҳисобот этиборини тортдим. Музокарада сўзга чиққанлардан бири — Ганишер Юнусов номли давлат ҳужжатининг бўлиб бошқарувчиси В. Почтаевнинг қўйидаги фикрларини ён дафтарамага кўчириб олдим:

«Турғунлик йилларидан қолган бўйруқбозлик услуби, тўғри гап учун қатагон қилиш оқибатидан айрим ишбилармон кадрларимиз раҳбарликдан четлаштирилди. Улар қаторида Собиров ва Новняков сингари коммунистлар борки, иккаласи ҳам партия комитетининг янги таркибига киритилса, адолат тантана қилган бўларди».

Сўнгра шаҳар рўзномаси — «Янгир тонги»нинг ана шу анжуманга бағишланган сонини ахтардим. Биринчи саҳифада фирқа комитети ҳамда назорат-тафтиш комиссияси аъзолари рўйхати эълон қилинган. Бироқ уларда Н. Собировнинг номига кўзим тушмади.

Қайта қуриш деб аталаётган давримиз қарама-қарши дунёқарашу воқеаларга шу қадар бойки, баъзан ёқангизни ушламасдан илҳомини нуфузли йиғинда ўз етакчиларини эгаллаб турган лавозимидан бўшатилсаю ордан бир йўл ўтгач уни яна раҳбарликка кўтаришни ис тасалар, ҳайрон қолмайсанми? Ёки нисбатан қисқа мана шу муқаддат илҳомини ким эналлигини кўрсатдики? Фирқа аъзолари адашганликларини сезишдики? Ё бўлмаса шаҳар аҳли жонқуяр раҳбарларини яққала-

тиб қўймагани, қолаверса, икки кенгашга вакил этиб сайлагани фаолларни сергак-лантирдими? Масъул лавозимдан четлаштирилган амалдорнинг орадан кўп ўтмай тағин қўлма-қўл ўтиши ҳар ҳолда сирли туюларди. Набижон Собиров билан учраш-гуна қадар турли мулоқозларга бордим.

Қатта раҳбар деганда кўз олдимизда басавлат, зўр кийинган, ҳатто амалдорлиги нафас олишдан сезилиб турадиган кимсалар тавдана-ларди. У эса ўрта бўй, сер-ҳаракат йиғит бўлиб, бир қарашда одоли ва маданият-ли эканлигини аниқлаш мумкин эди. Шу боис суҳбатимиз тезда қовуша кетди.

— Нимасини айтсангиз, ўтган уч йил ичида бошимга шунчалик кўп ташвишу қувончлар ёғиндики, ҳоҳида-ганни қай бирдан бошлаш-ни ҳам билмай қоламан.

асли қурувчи бўлганиданми, шу ерда униб-ўсганим ту-файлими — ободонлаштириш ишига кўпроқ эътибор бер-дим, меҳнатчиларнинг тур-муш шароитини яхшилаш пайида бўлдим. Ана шу хайрли ишларнинг ҳаммасини жамлаб, аёб сифатида ёқам-га ёпиштирдилар. Бу — би-ринчиси. Иккинчиси шуки, охириги йили турли ташки-лотлар, корхоналарнинг иш-чи-хизматчилари ва шаҳар аҳолисида жами 400 одам менинг қабулимда бўлди. Боиси — фуқароларнинг ҳо-жати иложи борича рўба-га чиқаришга ҳаракат қил-лардим. Биринчи котибимиз Л. А. Долгановага эса 140 киши учрабдик, уларнинг аксарияти раҳбарлар эди. Устига устак, аввалги қа-риш вилоят кенгаши депутат-лигига Людмила Алексан-дровна эмас, мени сай-лашди. Ойроғимнинг охи-ри биринчи котиб ва ҳимий-

тил топишди. Ўша йилнеқ, корхонада режа ошириб ўд-даланди, жамоа аҳли илгор-лар қаторидан ўрин олди. Табиатан тиниб-тинчимас йиғитимиз бундан бошқа мулдаси ҳам йўқ эди. Бу орада тарихимизда ўч-мас из қолдирган янги сайловлар даври бошланди. Меҳнатчилар унинг ном-зодини аввал шаҳар, сўн-гра вилоят кенгаши депу-татлигига кўрсатишди. Набижон минг истиҳолата бориб рози бўлди-ю, ўзига яна бир ташвишни ортирди: вилоят партия комитетининг тазкикига дуч келди. Ном-зодини қайтиб олай деса, одамлар олдида юзи шувут бўлади. Қолдирса, аввал ап-парат билан ўқатишиб таъ-зирини еган. Устига устак, ўзидан ташқари 6 номзод бори, ҳар қайсининг тош-тарозиси маълум.

— Сайловлар кунни бари-бир роса ҳаяжонландим.

зилда 80 фоиз иш бажари-ди. Насиб этса, қолгани ҳам бу йил ўдаланиди. Бундан ташқари тўрт қақирим йўл асфальтланди. Ёзги томоша-гоҳ, лойхаси таёрлаб қў-йилди. Шаҳарга оғар сув келтириш мақсадида 800 метр узунликдаги ариқ бе-тонлаштирилди. 5-қурувчилар манзилгоҳида эса болалар богчаси қурилиши бошлаб юборилди. Бултўр шаҳар йўл қурилиши бошқармаси қурув-чилардан қизиқ «наказ» тушди. — қулди Набижон. — Улар дабурустан ўзларига раҳбар бўлишимни талаб қилдилар. Бормай деса, сайловчиларимнинг асосий қисми шу ерда. Розилик берсам, колоннадаги ишлар чала қолади. Ниҳоят, кун-дим.

Ушанда раҳбарлик лаво-зимларига сайлов ўтказиш урф бўлганди. Таомилга кў-ра уч кишининг номзоди кўрсатилди. Яқунда Наби-жон Собиров салкам юз фо-из овоз олди.

— Собиров келдию иши-миз юришиб кетди. — дей-ди кекса ишчи И. Мирзаев биз билан суҳбатда. — Қаро-дан қутулибгина қолмасдан, ҳатто муқофот оладиган бў-дик. Мен мазкур бошқарма-да у ташкил этилгандан бе-ри ишлайман. Лекин бундай талабчан, одамларга қайи-шадиган раҳбарни биринчи марта учратдим. Илоҳим «кўтар-кўтар» баҳонасида уни бошқа идорага олиб кетиш-масин-да.

Дарҳақиқат, жар ёқасига келиб қолган бошқармада аҳвол бир йилдаёқ бутунлай ўзгарди. Белгиланган 4 мил-лион сўмлик ўрнига 4.5 мил-лион сўмлик иш бажарилиди. Жамоа аҳли мўмай даромад олди. Жорий йилда қурувчи-лар аҳди янада баланд. Улар 5 миллион сўмлик маблагни ўзлаштириши мўлжалла-моқдалар.

...Набижон ҳозир уч йил муқаддам рўй берган ноҳус воқеаларни гўё туш каби эслайди. Бир пайтлар йўл қўйилган камчиликлару нуқ-сонлар секин-аста тузатила-ларди. Ёш кадрлар қайтариб қўйишга беш бўлган шаҳар партия комитетининг бирин-чи котиби Людмила Дол-ганова, обкомнинг ташкилий бўлими мудир Иван Ступин ва бошқалар ишдаги қўпол хатолари учун лавозимларидан аллақачон четлашти-рилган. Шаҳар фирқа ко-митети вакиллари яқинда Набижон Собиров бош-қош-булган жамоага таширф бу-юриб, унга нисбатан ноҳа-лик рўй берганлигини рас-мий равишда эълон қилиш-ди.

Ҳақиқат охири-оқибат қарор топди.

Темир АБДУРАҲМОН, «Халқ сўзи» мухбири.

ЙИГИТ БОШИ ОМОН БЎЛСА

Собиров келгач, ишимиз юришиб кетди,

дейди кекса ишчи И. МИРЗАЕВ

— Аввало мени мудом ўйлантираётган саволга жа-воб беришгиз: шаҳар партия комитети иккинчи котиби ва-зифасидан неча бўлатишди?

— Бу воқеа сира кутил-маганда эш берди. Ишим ҳар ҳолда ёмон эмасди. Ҳат-то бироз олдинроқ Марказ-комга ишга тақлиф этилган, оливайиш шароитини тўғайли бундай муруватни рад қил-гандим. Кейин меҳнат таъ-тилига чиқдим. Қайтиб кел-гунимча менинг масала-ми иш-жимидан ҳал этиб қўйишди.

— Бутун бошли аппарат-да бирорта ҳимоя қилувчи топилмадими?

— Бошлангич партия таш-килоти дотто ҳайфсан бери-лишига қарши чиқди. Ушан-да шовиш қолди, ўзимни ду-рустроқ оқлай олмадим...

— Барийр ниманидир ашриямасизми?..

— Тўғриси, ўша йиллари вилоятимизда ишчи рисо-ладидек қуриётган ма-ҳаллий кадрларни пинҳон-кузғин қилиш авж олганди. Пинҳон илҳомидан бирор айбон топилмаса, тирноқ-нидан кир қидириш бош-ланарди. Намтарликка кир-маса-да, бор ҳақиқатни оч-қайта қолди: шаҳар партия комитетидан уч йиллик фао-лиятини давомидан — насобим

ларига ёқмагани табиий. Аммо унинг ўрнига даъво-қилиш қилишни ҳаёлимга ҳам келтирмаганман.

Набижоннинг ўша кез-лардаги ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Ачинарли-си шуки, иккинчи котиблик-дан олдинга унга тузукроқ лавозим ҳам тақлиф этиш-мади. Роса бир ой бекор юрди, сўнгра бир пайтлари ўзи бошқарган «Янгирвод-строй» трестидан олдий иқти-содчи-инженер бўлиб ишлай бошлади.

Янгир — қатта шаҳар. Унинг аҳлига таниқли раҳ-барнинг вазифасидан ноҳақ олиганини бирма-бир ту-шунтиришининг ўзи бўлма-ди. Лекин Набижон баъза-ларга ўхшаб аразнинг эта-гидан тутмади. Унинг ним-лигини яхши билганлар эса изазат-ҳурматини жойига қўй-ган ҳолда аҳволдан хабар олиб туришди. Шундай бўл-са-да, эл-юртга аралашиб юр-ган одам кабинетда ўтириш-га ҳадеганда кўниқолмади. Бир йилдан сўнг энг қолоқ кўлча колонна раҳбарлигини тақлиф этишгач, ишчилар-масдан рози бўлди.

— Икки жойдан депутат этиб сайлангасиз. Сўровлар ҳам шунга яраша бўлса ке-рак?

— Сайловчиларимдан 58-развед, Яшил даҳа аҳоли гўшаларини 1993 йилгача илҳомлик сув билан таъмин-лаш ҳақида наказ тушган-ди. Ҳозиргача ҳар икки ман-

дейди Набижон ўша пайтти-ни хотирлаб. Гарчи халққа ишонсам-да, мабодо сайлан-май қолганим тақдирда ап-паратчилардан бир умр қу-тулмаслигимдан қўчир-дим. Менга шуниси алам қи-ларди. Номзодим ўтганини эшитгач, биласизми, кўзим-дан тирқираб ёш чиқиб кет-ди. Ҳамшаҳарларимга умр-бод хизмат қилишни кўнглим-га тугиб қўйдим.

Ишон қанчалик кўтаринки қайфиятда бўлса, унинг иш-ни ҳам шунчалик қоршаверади. Трестдагилар Набижонга ўзи бошқарётган жамоага яна бир қолоқ ПМКни қўшиб олишни тақлиф этишди. У зиммасидаги юк отир бўли-шини сезса-да, монелик қил-мади. Муайин фурсат ўтгач қийинчиликлар барҳам топ-ди, ютққа ютқ қўшилди.

— Давлат юмуши, сай-ловчилар ташвиши деб баъ-зида оила ҳам ёйимдан кў-тарилади. Ўйга кўнлича бо-ларлар ухлаганда келиб, са-ҳари мардонда ишга नेताман.

— Икки жойдан депутат этиб сайлангасиз. Сўровлар ҳам шунга яраша бўлса ке-рак?

— Сайловчиларимдан 58-развед, Яшил даҳа аҳоли гўшаларини 1993 йилгача илҳомлик сув билан таъмин-лаш ҳақида наказ тушган-ди. Ҳозиргача ҳар икки ман-



Кўпчилиги корхоналардаги сингари гу-листондаги «Ўзбекистон комсомол» 30 йиллигини тикувачилик ишлар чқариш бир-лашмасида ҳам том аш тақиллигини сез-лаётди. Шундай бўлишига қарамай жамоа маданияшлари илгор технологияларини амалиётга тадбиқ этиш, қувватлардан та-дбиркорлик билан фойдаланиш эвазига ре-жаларни бажаришга мўваффақ бўлишайтир.

СУРАТДА: корхонанинг бичиш цехида. Еркин БОТИР олган сурат.

РЕФЕРЕНДУМ: тайёргарлик қандай? Бугунги иш эртага қолгач...

Умумхалқ овоз бериш иқинилаган сари Иттифок тақдирига масъуллиқ ҳисси тобора кучаймоқда. Самар-қанда ҳам қизгин кечаётган баҳс-мунозараларнинг ях-лит тизими деярли кўзга ташланиб қолди. Республи-камиз кўпчилиқ аҳолисининг муддаоси бу вилоятда ўз ак-сини топмоқда. Яъни, СССР-ни тенг ҳуқуқли, мустақил республикалар федерация-си тарзида тан олиш ва сақ-лаб қолтиш фикри устивор-лик қилаётган. Ҳўш, илк бор ўтказиладиган ўзингача хос бу маъракага ҳозирлик дара-жаси қандай?

Вилоятдаги 20 та округ таркибидан 810 та участка комиссияси тузилди. Меҳнат коллективлари, жамоатчи-лик вакилларидан иборат саккиз мингдан зиёд киши референдумни уюштириш ташвишларига жалб этилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, овоз беришда 1 милли-он 115 минг киши қатнаша-ди.

Маълумки, овоз бериш топшириқини вазифа эмас. Ле-кин бунда ақл-идрок билан келинган тўхтамни изҳор этиш ҳар бир фуқароннинг виждоний бурчидир. Шундан келиб чиқиб, вилоят совет ва партия идоралари бу гал-ги сиёсий мавсумда ҳолис-лик йўлини қаттиқ тутмоқ-далар. Фақат округ ва участ-ка комиссиялари таркибини шакллантиришда обрў-эъти-борли, фаол кишиларни тан-лаш масалалари ва ёрдами бе-рилади, ҳолоқ.

Лекин бу ҳимма иш ре-ферендум масъуллиги зим-масига оқиллиқ билан раҳбар идоралар ташвишдан соҳиб-дегани эмас. Хусусан, шаҳар ва район советлари тадбир-га тайёргарлигини ташкилий жиҳатларига жавобгарлик ҳисси билан андашчилари

қаттиқ талаб қилинмоқда. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Самарқанд, Ур-гут, Иштихон районларида бу масала моҳияти чуқур аниқланаяпти. Бинобарин, одамларни овоз бериш маъ-ракасига ҳам руҳий, ҳам ташкилий тайёрлашнинг барча воситалари ишга со-линмоқда. Округ ва участка комиссиялари учун самара-ли ишлаш имкониятлари яра-тилган ҳисоб.

— Биз айниқса, участка комиссиялари билан алоқани мустаҳкамлашмиш. — дей-ди халқ депутатлари Са-марқанд район совети ра-исининг ўринбосари Бобому-род Зиёев. — Чунки улар ишини ҳар жиҳатдан назорат қилиш ва зарур пайтда ама-лий ёрдам кўрсатиш овоз беришни ушқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.

Одамлар орасига кўп чиқа-лиш. Ташвишқоту тарғибот-да кишиларни қалитмаслик, бирёқламалликка йўл қўймас-лик эътиборга олинимоқда. Ҳозирдан айтиш мумкин, районимиз меҳнат аҳлининг асосий қисми — Ўзбекис-тоннинг янгиланаётган Итти-фок таркибидан мустақил, тенгҳуқуқли жумҳурият бў-либ қолиши тарафдори. Биз эса овоз бериш варақасида қўйилган масала моҳиятини кўпроқ тушунириш, варақа-да устида ишлаш тартибларини ўргатишга аҳамият берайи-миз.

Дарҳақиқат, юқорида ном-лари тилга олинган жойлар-да сиёсий маърака тадори-гидан қолдирмас бўлади. Ле-кин вилоятнинг айрим райо-нларида бу ҳолатнинг тескари-сига дуч келинаётганини кў-нигишга қараймоқда. Аҳвол айниқса Оқдарё районида то-қат қилиб бўлмайдиган дара-жада. Паранг, бу ерда ко-

тиржамлик шу қадар чуқур илдиқ оттаники, район округ комиссияси ҳалигача ўз иш-хонасига эга эмас. Демак, унинг фаолияти ҳақида га-пиришга ҳожат йўқ. Октябр кишлоқ совети ижроия ко-митети котиби кишлоқ совети ҳудудидан жойлашган участка комиссиясининг бор-лигидан мутлақо беҳабар.

Каттақўрғон районидан Ки-чиқмўчидан, Каттақўрғон ки-лоқ советлари (районлари М. Тоҳиров ва Б. Авазов) ҳу-дудлардан ҳам биттадан участкаларнинг манзил-мако-нини топиш амри маҳол. Ўқимбой районидан 3-Самар-қанд участкаси ишга масъ-ул бўлишч С. Убайдуллаев-нинг ўзи референдум ҳақида тасаввурга эга эмас. Булун-гур район совети раисининг ўринбосари А. Эргашевнинг бутун умиди овоз беришни ўтказиш комиссияси тарки-бига бўлиб ўтган сайлов фа-олларининг киритилишида. Эмишки, буларда тажриба бор, бошқаларнинг ташвиш кеңишларига на ҳожат. Бу ноёб хотиржамлик оқибати-да райондаги 50 участка ко-миссиясининг қўнчилигида иш юришмаяпти. 51.116 ки-ши овоз бериш лозим бўл-ган Хатирчи районидаги аҳ-вол ҳам бундан дуруст эмас.

Халқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитетидан тайёргарлигининг бориши яқинда қаттиқ таҳлил этил-ди. Юқоридаги камчиликлар бўйича масъул кишилардан ҳисоб сўралди. Лекин қизи-қлиқ шундаки, улар одатдаги де-бугунги йилгилишдан ҳулоса чиқармас, тартиба оламиз» қабилидаги жавоб билан қузулиб қолдилар.

Йўқ, энди бунақаси кет-майди. Мамлакат тақдирини маданийли билан белгилай-диган маърақани, ўтказиш ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда бугунги ишни эртага қўйиб бўлмайди. Ташвиш — ҳозирлик мезо-нин. Уни жон қойитиб, вақт-ни аймай чекиш керак. Акс ҳолда халқнинг тиниқ хоҳи-ш-иросасига гард юктириш, ушқоқликка путур етказиш ҳеч гап эмас.

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

КОШИН КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ

Риштон бадий кулолчи-лик буюмлари заводи Қозо-ғистон республикаси Турки-стон шаҳар ижроия комите-тидан миллий ошхона, чой-хона ва маммоаларнинг уст-ки гумбазлари учун кошин-лар тайёрлаб беришга даст-лабки буюртма олдилар. Кор-хонадаги ушбу янги хизмат тури режадан ташқари ян-лаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига ташкил этилди. Риштонликлар Туркистонга 20 минг сўмлик сифатли кошин тайёрлаб беришди. Эвазига эса шу мақсулот қиммати даражасида турли қурилиш материаллари оли-нади.

Доимий комиссия тавсия этади Ўқув комбинатларини кечки мактаблар керакми?

Яқинда «Халқ сўзи» рўз-номасида «Ёзишимиз керак» сарлавҳали мақолаи «Ўқидим. У менда қатта тасоус-рот қолдириди. Насобим жур-налист бўлганини учун эмас» халқнинг муҳтор вакили-район кенгашининг депу-тати сифатида бу сўзларни эзаётирман.

Мен район кенгаши қоши-даги маданият, халқ таъли-ми, иқтисодий таъминот ва ёшлар билан ишлаш доимий комиссияси раисман. Биз ишчи маориф соҳасидаги муаммоларни ўрганишдан бошладик. Маълумки, ҳо-нонимизда кечки мактаблар учун 40 минг сўм сарфла-наркан. Уларнинг асосий қисми ўқитувчиларга маош қилиб берилади. Лекин ўқу-вчилар сонини саноқли.

Кейинги пайтларда видео-барлар фаолияти ҳақида кўп гап-сўзлар бўлаяпти. Депу-татларимиз ҳам бу масалада ўз фикрларини айтдилар. Район рўзномасида «Виде-бардан кимга фойда» сар-лавҳали мақола босилди. Бундан мақсад жамоатчилик фикрини ўрганиш эди. Му-ҳарриратга келган хатлар-нинг қарийб барчасида видео-салонларнинг фаолиятини бу-тунлай тўхтатиш керак, де-ган фикр олға сурилганди. Негаки, уларда бизнинг ҳаё-тимизга, турмушимизга зид бўлган, Ғарб мамлакатлари-да яратилган, бешафқатлик, беҳаёлининг тарғиботи, этувчи фильмлар кўрсатилиши, бу эса ёшлар тарбиясига сал-бий таъсир этатганлигини сир эмас. Район кенгашининг қарорига мувофиқ видео-салонларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Баъзан депутат у ишни қилиб бермапти, бу ишни қилиб бермапти, қақириб олиш керак, деган гапларни эшитамиз. Баъзилар эса йўлни асфальт қилдириб, кўчага чироқ ўрнатиб берса, ўша депутат зур ишлайпти, деб айтишади. Ўзингиз ўй-ланг, шу ишларни ҳам депу-татлар зиммасига юқлай-версак, у ҳолда раҳбарлар-нима қилиб ўтиришбди? Айрилиқ негадир кишлоқ, район ва вилоят депутатлари нима иш билан шуғуллани-шадиганини айтишмайди-ю, Олий Кенгаш депутатлари ишлаймаптилар, деб жар со-лишади. Тўғри, депутат — халқ хизматкори. Бироқ ўша муаммоларни маҳал-лий кенгашлар депутатлари ҳам ҳал этишлари мумкин, ҳатто зарурку!

Ҳомир ҳамма жойда мак-таблар бўлиб, Ким хоҳласа, саккизинчи синфни битир-ганидан кейин ҳунар мас-

канларига бориб ўқиши мум-кин. Талабаларнинг маълум қисми мактабда қолса, бош-қалари билим қўрғонига бо-раётган бўлса, унда кечки мактабларда ким ўқияпти, деган савол туғилади. Па-қат ҳужжат олиш учун битта-аримта одам топилиши мум-кин. Ҳар тийин ҳисобда бўл-ган ҳозирги пайтда кечки мактабларнинг фаолият кўрсати-ши мақсадага мувофиқми-кин? Ҳолбуки, ўқув комби-натлари билан кечки мактаб-ларнинг фаолият кўрсати-ши учун маҳаллий бюджет-дан бир йилда 100 минг сўмдан кўпроқ маблаг аж-ратилапти. Биргина рай-онимизда кечки мактаблар учун 40 минг сўм сарфла-наркан. Уларнинг асосий қисми ўқитувчиларга маош қилиб берилади. Лекин ўқу-вчилар сонини саноқли.

Кейинги пайтларда видео-барлар фаолияти ҳақида кўп гап-сўзлар бўлаяпти. Депу-татларимиз ҳам бу масалада ўз фикрларини айтдилар. Район рўзномасида «Виде-бардан кимга фойда» сар-лавҳали мақола босилди. Бундан мақсад жамоатчилик фикрини ўрганиш эди. Му-ҳарриратга келган хатлар-нинг қарийб барчасида видео-салонларнинг фаолиятини бу-тунлай тўхтатиш керак, де-ган фикр олға сурилганди. Негаки, уларда бизнинг ҳаё-тимизга, турмушимизга зид бўлган, Ғарб мамлакатлари-да яратилган, бешафқатлик, беҳаёлининг тарғиботи, этувчи фильмлар кўрсатилиши, бу эса ёшлар тарбиясига сал-бий таъсир этатганлигини сир эмас. Район кенгашининг қарорига мувофиқ видео-салонларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Баъзан депутат у ишни қилиб бермапти, бу ишни қилиб бермапти, қақириб олиш керак, деган гапларни эшитамиз. Баъзилар эса йўлни асфальт қилдириб, кўчага чироқ ўрнатиб берса, ўша депутат зур ишлайпти, деб айтишади. Ўзингиз ўй-ланг, шу ишларни ҳам депу-татлар зиммасига юқлай-версак, у ҳолда раҳбарлар-нима қилиб ўтиришбди? Айрилиқ негадир кишлоқ, район ва вилоят депутатлари нима иш билан шуғуллани-шадиганини айтишмайди-ю, Олий Кенгаш депутатлари ишлаймаптилар, деб жар со-лишади. Тўғри, депутат — халқ хизматкори. Бироқ ўша муаммоларни маҳал-лий кенгашлар депутатлари ҳам ҳал этишлари мумкин, ҳатто зарурку!

Ҳомир ҳамма жойда мак-таблар бўлиб, Ким хоҳласа, саккизинчи синфни битир-ганидан кейин ҳунар мас-

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.

«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири

Холмуҳаммад НУР.



Мама, фалакнинг гәрдиши билан Рамазон ҳам кириб келди. Бу муборак ойни бадор бўлиб, интизорлик билан кутатиб солиш ва қомил нисоллар қилган. Ахир нега кутмасликлар? Рамазон ҳар бир соҳиб банда ўзининг Аллоҳга бўлган эътиқодини қалбдан издор этганида, қолгилар 30 кунга берилган рўзадан имкон қадар фойдаланиб, ўз гуноҳларини микдорини енгиллатишни насиб айлагувчи ойдир. Инсон дунёга келар экан, унинг ҳаёти ўзига хос гуноҳу савобдан иборатдир. Бу, албатта, кишининг қисқа ҳаёти давомида қилган амаллари билан ўлчанади. Ҳар ҳолда «гуноҳкор бандан бечораларимиз». Биз бир нарсанинг моҳиятини ҳақиқат қалбдан ҳис этиб, унга амал қилмоғимиз, Аллоҳнинг кутлуғ қаломларини дилга жо этмоғимиз даркор. Аллоҳ таоло бандаларини яратганда руҳият ва нафсониятни бирлаштирган ҳолда бино қилган экан. Демак, биз, бандалар руҳиятимизни пок тутган ҳолда, нафсоний амаллардан мутоқоз аоз кечмоғимиз керак.

Ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси руҳият билан узвий боғланган. Яъники, соғлом таъда соғ ақл, дейдиган ҳалқимиз. Ас ҳолда нафс бандаси бўлган гофил нисолларнинг бутуни бўлса-да, эртаси йўқ эрур. Бу — Аллоҳнинг ҳукми. Шу хусусда бир гап дилимда қолмасин, Аллоҳ таоло бандаларига аввал ақлни, кейин нафсини, ундан сўнг иймонини, баъд эса ҳаёлатини бериб, уларни худди шу тарзда ўрнатилган. Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар юз кўрсатарканки, ундаги ақл билан иймон топишиб, ўртадаги нафсини қисиб, ҳаёлатини бир томонга сўриб қўриқан. Шунда инсон мисоли гулу гулшанлар янра сайраётган булбулнинг ширин навосидек, мусулм қалби покланиб, руҳи тетикланиб, соғлом тафаккур соҳибига айлана экан. Яна шундай наҳотатли кунлар ҳам бўлар

лимишдур. Фарз амалини қилган киши савоб топар. Веуз қилмаган киши гуноҳкор бўлур. Фарз амалини зарурлигига инонмаган киши кофир ва бейимон бўлур.

Савол: Фарз амали қаю нимасаларга ўхшашдур?

Жавоб: Аллоҳ таолога нймон келтуриб, дини Исломининг ҳақлигига инонмак, ҳар кун беш даи тиловат қилмоқга ўхшашдур.

Савол: Суннат нечук амалдур?

Жавоб: Пайгамбарнинг Муҳаммад алайҳис-салом кўп нақилларда қилган амалларидур. Суннат амалини қилган киши савоб топар. Қилмоган киши гуноҳкор бўлмас ҳам қиёмат кунинда нўтоб ва маломатга

Савол: Мустаҳаб қаю нимасаларга ўхшашдур?

Жавоб: Нафл намозлар ўқумақ. Нафл рўзалар тутмақ. Нафл садақалар бермақ. Таҳорат бирла юрмақга ўхшашдур.

Савол: Мубоҳ нечук амалдур?

Жавоб: Мубоҳ шул тариқа амалдурки, они қилмак ҳам дуруст, қилмаслик ҳам дуруст

Савол: Макруҳ амали нечук амалдур?

Жавоб: Макруҳ шул тариқа амалдурки, дини Исломда они қилмоқ ман қилинимшдур. Макруҳ амалини қилган киши савоб топар ва они қилмаган кишига азобинон эҳтимоли бордур. Макруҳни ҳалол деган киши кофир бўлмас ҳам бироз гуноҳкор бўлур.

Савол: Макруҳ амали қаю нимасаларга ўхшашдур?

Жавоб: Маскидага туфламақ. Нағмаларга қулоқ солимақ. Қизик уйларнинг томоша қилмақ. Беодобона газалларни ўқиб ҳофизлик қилмақ. Одамларнинг ийнасида масхара боилиқ қилмақга ўхшаш амаллардур.

Савол: Мустаҳаб нечук амалдур?

Жавоб: Мустаҳаб шундай амалдурки, аввалги солиҳ имомлар они қилмасликини яхши кўрмабдурлар ва они қилмоқдин қилмаслик аълороқдур. Мустаҳаб амалини қилган киши гуноҳкор бўлмас ҳам беодоб аталур. Қиёмат кунинда нўтобга қолмақ эҳтимоли ҳам бордур.

Савол: Мустаҳаб амали қаю нимасаларга ўхшашдур?

Жавоб: Таом емакда луқмани катта олмақ. Вазорда ва кўчада таом емак. Валад овоз бирла кекирмақ ва овози бирла эснамақга ўхшашдур.

Савол: Ҳаром нечук амалдур?

Жавоб: Ҳаром шул тариқа амалдурки, дини Исломда они қилмақ қаттиғи ман қилинимшдур. Они қилмақ ҳеч дуруст эрмас. Ҳаром амалини Аллоҳ таолодин кўрүб қилмоган киши савоб топар ва они қил-

ТЕМУРИЙЛАР АВЛОДИ

Тошкентдаги Мамон Уйғур номли давлат санъат институтининг кўргазмелар хонасида очилган «Темурий сулоласи» номли кўргазма шу даргоҳнинг монументал ранг-таъсир бўлими талабаси Баҳромжон Собировнинг ишларидан ташкил топган. Ишларнинг ҳаммаси тарихий мавзуга оид. Бу ерга таъриф буюрган томошабин темурийлар сулоласининг кўзга кўринган вақиллари билан «учрашади». Шу жикатдан «Темурий ва Улугбек», «Темурийлар сулоласи», «Навоий лирикиси» каби асарлар диққатга молик.

Кўргазмадан Шарқ халқлари турмушига оид ишлар ҳам ўрин олган. «Кўё», «Сугдиена тўйи», «Маданият гулшани» кабилар шулар жумласидандир.

Равшан ПАТХИЛЛАЕВ.

Наврўзни қаршилаб

«Бойчечак»

ИСТЕЪДОДЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ

Яқинлашиб келаётган халқ байрами — наврўз Ҳазратнинг пойтахтидаги маданий-маърифий муассасалар фаолиятини жонлантириб келди. Тошкентнинг Қўй-бичақ районига бу воқеа арасида катта режиссёр тўзиб қўйилди. Театрлаштирилган томошалар, танловлар, халқ сайилари ўтказилган асосий жойлар белгилаб қўйилди. Булар Ҳамид Олимжон номли Горький номли майдонлар, Фирӯза, Яланғоч, Ҳумоюн, ТТЗ ҳақларидир. Райондаги 35 та маҳалланинг ҳаммасида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бошлаб кўрилди. Бу ерда наврўз анъаналарини муқаддас билишди. Райондаги айтилишча, наврўзда ҳар бири киши ўз уйини тартибга солиши, тозалаш, ҳафлашиб қолган одамлари билан ярашиши, яхши ниятларни дилга туғиб, одамларни ҳузурига қувноқ кайфият билан бориши керак. Районда ишчилик қилувчилар учун кутилмаган соғва тайёрланиши. Улар учун махсус «Бойчечак» байрами ўтказилди. Бу байрам наврўзнинг анъанавий удуларидан бири билан боғлиқдир.

Қудратулло ГУЛОМЖОН ўғли, ТошДУ шарқшунослик факультети араб шўъбасининг толиби.

1991 йилдаги Аҳмаджон Жавоид йили

ЁДЛАВ ОЛИНГ

КУНДУЗ КўРСАНГ ҲУЗУННИ МАҲЗУН, ҚАДАҲ ИЧ.

АНДОҚКИ, ҚУЕШ РАВШАНУ МАВЗУН, ҚАДАҲ ИЧ.

УЛ ДАМКИ, ҚУЕШ БОТТИ, ШАФАҚГҲН ҚАДАҲ ИЧ.

ЖОМИНГНИ ҚИЛИБ НЕЧУККИ ГАРДУН, ҚАДАҲ ИЧ.

Тўмарис гуноҳкор ЭМАС...

ТЕАТР ВА ТОМОШАБИН

Кейинги йилларда Ўзбекистонимизда ақшоғи ағона ҳамза номли академик театримизга тушмай қўйилган. Бунинг бир неча сабаби бор. Шулардан бири: бу ерда хизмат қилган санъаткорларимизнинг икки гуруҳга бўлиниб, бир гуруҳи «Еш гвардия» театрига кетиб қолгани шайсан мейга оғир ботган. Уларнинг «бўлиниши» академик театримиз шайнинг ҳам, санъаткорларимиз шайнинг ҳам яхши бўлмагани, албатта! Ҳозир гап бу қадаҳ эмас.

Яқинда шонли театримизда истеъдодли ёш драматург Салоҳиддин Сирожидадин қаламига мансуб «Тўмарис» спектакли қўйилганлигини эшитиб қолдиму тушинишга ақд қилдим.

Тўмарис — халқимиз тарихидаги буюк шайлардан бири. У — атайин ташкири учун қўрашувчилар сарфиди тегини йўқ Аёл Бизнинг жамиятимизда Аёл, айниқса, қишлоқларимиздаги экин-экин Аёл ҳор-зорликка юз тутди, пахта майдонларида оғир меҳнатга дучор этилди, шайшод қадаҳи буқилди, суви ҳам соғ томондан кўринадиган латофати топилди. Унинг ўйларини, интилизларини атайин, миллат, халқ қадаҳи эмас, қора қозонини амаллаб қайнатди, бир этак боласини эртага оёққа турғазини қадаҳи!

Шундай муҳида Тўмарисдек қаҳармон Онамиз образининг сарҳанда пайдо бўлишини жуда катта воқеа деб ҳисоблайман. Уни ҳамма-ҳамма кўришни, нобрат олишни, билмаганлар биллиб қўйишларини истайман.

Мен ҳозир спектаклнинг тўла таҳлилини киришиб ўтирмайман. Аммо «Тўмарис» сўнгги йилларда яратилган (режиссёр Рустам Ҳамидов) асарлар орасида алоҳида аҳамиятга эга жамиятин таъинда-лайман, ҳоло. Тўларим Тўмарис образини кўйиб-аниб яратган истеъдодли Малик

ОРИЯТ КЕТМАСИН

Самарқандга кириб бора-веринда Зарафшон кўпригиндан ўтган, Ҳўпои ота тоғида бир неча қабр бор, 1876 йили Самарқандни босиб олишда ҳалок бўлган рус аскарларига ёдгорлик ўрнатилган. Бизнингча бу тарихий мантиққа мувофиқ эди. Бу ерда Самарқандни, чор босқинчиларидан ҳимоя этишда шайшод бўлган маҳаллий аскарларнинг ҳоки қўйилиб, ёдгорлик ўрнатилиши керак эди.

Халқимиз — кимники бўлишдан қатъий назар — ҳеч қачон қабрларга бехурмат муносабатда бўлмаган. Аммо ўтган асрдан тортиб то ҳузу Туркистон ўлкасининг қўлаб зияратгоҳлари ҳаробэ этилганлиги, Қўсаройдек тенгиз ёдгорлигини бузиб, гишларни битталаб ташиб кетилгани,

БУХОРО ВИЛОЯТИ. «Навоизот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ширин» маданият саройи меҳнат-кашларининг ҳақиқий дам олиш масканига айланди. Ҳозир бу ерда 32 та турли тўғарак фойлият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Маданият саройининг «Гулӯз» ансамбли катташчилари машғулот ўтказишда.

Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Бухоро вилояти Жиззах вилояти кенгашининг масъул ходими.

Баҳром РИЗАМАНОВ, халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг масъул ходими.

«Балли, қизлар!» Самарқанд молия техникасида наврўзга бағишланган «Балли, қизлар» тандоми ўтказилди. Қизлар адабиёт ва тарих соҳасидаги ўз билимларини, уй-рўзгор юртиш ва пазандалиқ борасидаги маҳоратларини намойиш қилдилар. Беллашув мушоира билан тугалланди. Шейрий билашувнинг мавзуси баҳор бўлди, албатта. Қизлар йилнинг бу фасли билан боғлиқ қўлаб шайшод сатрларни ўқиб бердилар. Бунда улар фақат машҳур муаллифларнинг шайшодларидан фойдаланмасди, шу билан бирга ўз ижодларидан ҳам намуналар ўқидилар.

Сохта шухрат кимга керак?

Маҳаллий ашларни тарбиялаш ўрнига сохта шухрат қўлаб, четдан таёёр спортчиларни тақлиф қилиш ҳаёмон давом этмоқда.

СПОРТ мавзуда қалам таълабган журналист қўлаб кўпгина спортчиларни ҳаётини кўзатиб борамак. Ҳамюртларимизнинг олимпиада ўйинларида, жаҳон ва Оурупо билимликлариде маҳорат кўрсатётганларига, турли совринлар гавари бўлаётганликларига гувоҳим. Яна уларнинг бу ютуқлари завоғи каттагина пул муқофотлари олишётганини ҳам билмак.

Лекин маига бир савол тинчлик бермади: бизнинг спортчилар олижаноблики бобиде нега оқсб қолмоқдалар? Масалан, Арсен Фадззев билан Маҳарбек Ҳадаровларини жаҳон таниди. Бу полвиллар шу ерда спорт маҳоратларини ҳарлашди, олий маълуоти олишди! Улар Амрико, Япония, Фарансигандаги қўлаб тижорат турнирлариде қатнашиб, мўмай даромад қилдирану олижаноблики кўрсатмадилар. Қайтенга туну кун ўйатларини қаппайтириш ўйларини изладилар. Жаражарек пул ишлаб, қўше-қўша машинали бўлиб, Тошкентнинг қўқ марказидаги ҳашаматли уйлардан жой олиб, меҳсариларини шайшод хайр-хушун несиа қилдилар-да, Кавказ сари жуфтани ростилаб қолди.

Наталья Лисовская, Юрий Ковшов ҳам чет элларда, адашмасам, юз мартадан қўлаб болалар шифохоналари, туғруқоналар учун игнадорни, ногиронлар учун еравачелар соғиб олиб, савоб ишга қўл уришларни, бошқа жумҳуриятлардаги спортчилар сингари ҳиммат қилишларни мумкин қилди. Аммо «Эл суймаган эл бўлмас деганлариде, жумҳуриятимиз учун қайғурмадилар.

Яқинда «Советский спорт» (29 январь) рўзномасида босилган бир мақоламни ўқиб, ҳайратдан ақа ушладим. Унда тошкентлик Родион Гатаулиннинг олижаноб савй-ҳаракати маъд этилганди. Ҳамшакримиз Амриқонинг «Хьюлетт паккард» фирмасида ишлаб чиқарилган бўлакча она ҳомилисининг бўлакча фаолиятини ўрганишдан нобб ускуна (мониторинг) Ленинград шаҳаридеги 3-туғруқона жамоасига соғва қилган экан. Қизини, бу йилги Тошкентде туғилиб воғва этган бўлсаю нема эди! ускунани Ленинградга соғва қилди экан! Туғри, совгани кимга топшириш ҳар кимнинг иштиёри, шайшисини. Бироқ Родион ўзига шарт-шароит яратиб берган, номини дунёга танитган, олий маълуоти доволонига ҳақим дилломини берган юрт — Ўзбекистонде болалар ўлимининг кўпчилигини, туғруқоналар ва болалар шифохоналарининг ночор аҳолини билар эди-ку! Лоқал мазкур тиббий ускунани ўзи дунёга келган туғруқонага соғва қилганда, бундан бутун республикамиз ақлининг боши кўкка етарди. Бироқ «совганининг» бонси кейин маълум бўлди: Гатаулин Ленинграднинг маъшуқасига уйланиб, Невеа бўйидаги шайшод доимий яшаш учун кўчиб кетди. Шу тариқа Ўзбекистон яна бир маъшвал спортчилдан айрилди. Бу республикада спорт давлат қомитети ўз ишнини қамон қайта қўрмақ этганини тегин бир далил бўлди. Одатда четдан таёёр спортчиларни қаққиб келамиз-да, бир кун улар қайтиб кетишган, яна елка қисиб қолаверамиз. Ундан кўра саркуш дидефранс шайшод ва қишлоқларидеги қобилиятли йигит-қизларни топиб тарбия қилганимиз маъшуқ эмасми! Ҳар ҳолда маҳаллий халқ, агар ноллоқ қолмаса, уни-ўсган туғруқонини ташлаб кетмайди.

Биз тоқайгача четдан спортчил айллатимиз, қачонгача сохта шухрат кетишдан самарасиз қулаверамиз!

Азим ПУЛАНОВ, республика радиосининг муҳаррири.

«Ташкилремонт» трестига қарашли 1-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси доимий ишга тақлиф қилади.

— буюқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, кошникорлар, гишт терувчилар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ишбай.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Фованзига кўчаси, 6-уй. 1-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси. (Метронинг «Чкалов» бекатидан 72-9, 119-9, 48-9, 49-9, 23, 22, 151, 6-автобуслар юради, «Дубовая» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 96-58-60, 96-59-70.

Қабул пунктининг манзили. Тошкент шаҳри, К. Цеткин кўчаси, 45-уй.

Телефон: 56-58-15.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖҲУРАБОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуҳақдор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, ТИМЖИР МИРХОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиб ТўЛАГАНОВА, Муҳтарам УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Солиқ, Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮСУФ.

Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП

Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босилга топшириш вақти 21.00

Босилга топширилди 22.40

Индекс: 64008. 5117-букортма.

Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети нафрийтининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Қопи СУЗИ